



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

**"O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI" Aksiyadorlik jamiyati**

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

**"O'ZBEKISTON TEMIR YO'LLARI" AJ**

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

22.08.2005

28

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikasiya raqami (STIR):

201051951

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Aksiyadorlik jamiyati

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, Taras Shevchenko ko'chasi, 7-uy,

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirobod tumani, DAVLAT XIZMATLARI tomonidan  
MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



**“O`zbekiston temir yo`llari” AJ  
ягона акциядорининг  
2020 йил “30” июндаги  
57-сонли қарори билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“O`zbekiston temir yo`llari” aksiyadorlik jamiyati**

**УСТАВИ**

(Янги тахрирда)

**I бўлим. Умумий қоидалар**

1. “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда – Жамият деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон темир йўллари” Давлат-акционерлик компаниясини тузиш тўғрисида” 1994 йил 7 ноябрдаги ПФ-982-сон Фармони билан ташкил этилган.

2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Темир йўл транспорти монополиядан чиқариш ва акциялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2001 йил 2 мартдаги ПФ-2815-сон Фармонига мувофиқ очик акциядорлик жамиятига айлантирилди.

3. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелдаги 223-И-сон “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, Жамиятнинг ҳуқуқий ҳолати акциядорлик жамияти ҳисобланади.

Жамият тижорат ташкилоти ҳисобланади.

4. Жамиятни ташкил этиш, фаолият юритиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

5. Жамиятнинг номи:

ўзбек тилида – “O`zbekiston temir yo`llari” aksiyadorlik jamiyati (қисқартирилган номи – “O`zbekiston temir yo`llari” AJ) ёки кирилл ҳарфларида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти (қисқартирилган номи – “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ);

рус тилида – Акционерное общество «Узбекистон темир йуллари» (қисқартирилган номи – АО «Узбекистон темир йуллари») ёки Акционерное общество «Узбекские железные дороги» (қисқартирилган номи – АО «Узбекские железные дороги»);

инглиз тилида – Joint stock company “O`zbekiston temir yo`llari” (қисқартирилган номи – JSC “O`zbekiston temir yo`llari” ) ёки Joint stock company “Uzbekistan railways” (қисқартирилган номи – JSC “Uzbekistan railways”).

6. Жамият халқаро ва аралаш йўналишларда йўловчилар ва юклар ташишни ташкил этишда чет эл темир йўл маъмуриятлари билан муносабатларда

“Ўзбекистон темир йўллари” (Узбекские железные дороги) деб номланган юридик шахс сифатида фаолият юритади. Жамиятнинг телеграф шифри-“УТИ”.

7. Жамият юридик шахс ҳисобланади, ўзининг мустақил балансида акс эттириладиган алоҳида мулкка, шу жумладан ўзининг устав фондига (капиталига) берилган мол-мулкка, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига, жумладан валюта ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири туширилган думалоқ муҳрга, давлат тилида ёзилган эмблема (логотип) ва штампларга эга.

8. Жамият темир йўл соҳасида раҳбарлик қилиш ва хўжалик ишларини тартибга солишни амалга оширади. Жамият темир йўллари тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида ягона техника сиёсатини амалга оширади.

9. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати, шу жумладан акциядор қарори билан тасдиқланган темир йўл транспорти минтақавий темир йўл узеллари, бошқармалари, марказлари, дирекциялари, корхоналари, муассасалари, ташкилотлари ва таркибий бўлинмалари киради.

10. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар, шунингдек чет эл юридик шахслари кириши мумкин.

11. Жамият қонунчиликда белгиланган тартибда корхона, ташкилот ва муассасалар, жумладан филиаллар ҳамда ваколатхоналар ташкил этиши мумкин.

12. Жамият ўз фаолиятини амалга оширишда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлис палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, темир йўл қатнови ҳавфсизлигини таъминлаш масалаларида Ўзбекистон Республикаси темир йўлларда юк ва йўловчилар ташиш хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекциясининг қарорларига ва мазкур Уставга амал қилади.

13. Мазкур Устав билан тартибга солилмаган ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари, шунингдек халқаро битимлар ва шартномалар билан тартибга солинади.

14. Жамият ходимлари Жамият шахсий таркибининг хизмат кийими тўғрисидаги Низомда белгиланган хизмат кийимига эгадирлар.

15. Жамиятнинг жойлашган (марказий маъмурияти) манзили: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй, почта индекси - 100060.

16. Жамиятнинг электрон почта манзили: [info@uzrailway.uz](mailto:info@uzrailway.uz).

## **II бўлим. Жамиятнинг асосий вазифалари, ҳамда функциялари**

17. Жамият фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

давлат, жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжларини қондириш мақсадида темир йўл транспортининг барқарор ва самарали ишлашини, катновлар хавфсизлигини, кўрсатиладиган транспорт хизматлари сифатини оширишни, жумладан хизмат кўрсатиш талаб даражасида бўлган бошқа юк

ташувчилар билан биргаликда таъминлаш, истеъмолчиларга ишлаб чиқариш, савдо, шу жумладан улгуржи савдо хизматлари кўрсатиш, электр энергияси сотиш, сайёҳлик ва бошқа хизматлар кўрсатиш, бунда ташишларнинг мақбул муддатларини, ҳамда йўловчилар соғлиғи ва ҳаётининг сақланишини, шу жумладан ташилаётган юклар бутлигини таъминлаш;

темир йўлларнинг ягона ишлаб чиқариш инфратузилмасини ва марказлашган диспечерлик бошқарувини сақлаш ва ривожлантириш;

жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатиш, транспорт хизматлари бозорида темир йўл транспортининг рақобатбардошлигини ошириш;

юклар, йўловчилар, почта ва багажлар ташиш соҳасидаги сарф-харажатларни камайтириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишни ҳисобга олган ҳолда белгиланган тартибда тариф сиёсатини амалга ошириш;

темир йўл транспортида юк ва йўловчи ташиш бозори конъюнктурасини ўрганиш, ривожланиши ва жойлаштирилишини прогнозлаш;

темир йўл тармоқларининг ишлари барқарор ва ўтказиш имкониятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тегишли темир йўл транспорти объектларини сафарбарлик тайёргарлигини, давлат сири бўлган маълумотларни ошкор этилмаслигини таъминлаш;

атроф муҳитни асраш қоидаларига риоя қилишни таъминлаш;

темир йўл транспорти соҳасида ягона илмий-техник, инновацион ва инвестициявий сиёсатни юритиш;

янги техника ва технологияларнинг ишлаб чиқилиши ва жорий этилишини, темир йўл транспортининг комплекс ривожланишини ташкил этиш;

темир йўл тармоқларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, янада ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш имкониятларини ошириш, янги темир йўл линиялари, кўприклар, туннел ва бошқа сунъий иншоотлар қуриш, уларни реконструкция қилиш ва техник қайта қуроллантириш;

ҳаракатланувчи таркибни, йўл хўжалигини, электр таъминоти тизимини, сигнализация ва алоқа тизимини модернизация қилиш ва такомиллаштириш учун инвестициялар, жумладан чет эл инвестицияларини кенг жорий этиш, шунингдек, тармоқ саноат корхоналарини технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, ҳамда илғор технологиялар ва замонавий менежмент усулларини кенг жорий этиш;

Жамиятнинг ҳалқаро ҳамкорлиги ва ташқи иқтисодий алоқаларини кенгайтириш, маркетинг тадқиқотларини уюштириш, Жамият корхоналарига ахборот хизматлари кўрсатиш, ташқи ва ички бозорларда уларнинг рақобатбардошлигини ошириш масалаларини ҳал этишга кўмаклашиш;

Жамият ва Ўзбекистон Республикасининг саноат корхоналари базасида таъмирлаш-эксплуатация ва ривожланиш эҳтиёжлари учун импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар, эҳтиёт қисмлар, деталлар, жиҳозлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

иқтисодий муносабатларни ўрнатишнинг асосий тамойиллари, қоидалари ва услубларини ишлаб чиқиш, ҳамда уларни Жамият корхоналари ўртасида амалга ошириш;

кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;

18. Жамият белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун қуйидаги функциялар бажарилишини таъминлайди:

а) темир йўл орқали ташиш жараёнини бошқаришни ташкил этиш соҳасида:

ташиш жараёнининг марказлашган тезкор бошқарувини ташкил этиш, поездларнинг ҳаракатланиш жадвалини, ҳаракатланувчи таркибнинг иш меъёрларини ва Жамият бўйича юк ташиш прогноз режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижросини таъминлаш;

ташиш шартларига доир ягона норматив ҳужжатларни, ҳаракатланувчи таркибдан фойдаланиш меъёрлари бўйича ягона меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, улардан фойдаланишни таҳлил этиш, юк ва йўловчи вагонларидан фойдаланишга тузатишлар киритиш ва назорат қилиш;

фавқулодда вазиятларда хавфли юкларни ташиш қондаси талаблари асосида юк ортишни, туширишни тартибга солиш ва поездлар ҳаракатланишини ташкил этиш;

замонавий ахборот–коммуникацион технологияларни кенг қўллаган ҳолда ташиш жараёни ва диспетчерлик хизматини ташкил этишнинг ягона тамойилларини ишлаб чиқиш;

б) иқтисодиёт ва молия соҳасида:

темир йўл транспортни ривожлантиришнинг давлат ва давлатлараро дастурлари лойиҳаларини, асосий саноат ва пудратчилик фаолиятида, шунингдек ижтимоий ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида ишлаб-чиқаришнинг иқтисодий ва молиявий кўрсаткичларига доир йиллик ҳамда истиқболли прогнозларни ишлаб чиқиш;

темир йўл транспортда юк ва йўловчилар ташиш соҳасида маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, келгусида темир йўл транспорти объектларини ривожлантириш ва жойлаштиришга доир йиллик ва истиқболли прогнозлар ҳамда жадваллар, темир йўл транспортининг ташиш ва ишларни бажариш имкониятларини оширишга доир комплекс чора-тадбирлар бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

мукамал ва жорий таъмирлашни, Жамиятнинг мол-мулкани сақлашни режалаштириш ва ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига, давлатлараро ва ҳукуматлараро келишувларга мувофиқ юк, йўловчилар, почта, багаж ва юк багаж ташиш тарифлари соҳасида келишилган сиёсатни амалга ошириш;

амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Жамият корхоналари ва хизматларидан фойдаланувчилар ўртасида ўзаро молиявий ҳисоб-китобларни, бошқа давлат темир йўллари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш, бухгалтерлик ва статистика ҳисоби ва ҳисоботларини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига риоя этиш, Жамият корхоналарида аудиторлик фаолиятини юритиш, солиқларни ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш;

юк, почта, багаж, юк багаж, маҳсулот сотиш, кўрсатилган иш ва хизмат, йўловчиларни ташишдан тушадиган даромадларни тўлиқ ва ўз вақтида келиб

тушишини назорат қилиш, Жамиятнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш, ҳаражатларни камайтириш ва фойдани (даромад) ошириш;

Жамият корхоналари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг асосий тамойил, қоида ва услубларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга ошириш;

Жамият бошқаруви томонидан тасдиқланган нормативларга мувофиқ тузиладиган фондлар ва захираларни, шу жумладан, валюта фондини ташкил этиш, шунингдек темир йўл транспортини ривожлантиришга оид устувор илмий-тадқиқот дастурларини молиялаштириш учун белгиланган тартибда фондларни шакллантириш;

Жамият фаолиятини акс эттирувчи реклама ва бошқа турдаги адабиётларни нашр этиш;

ҳодимларнинг меҳнат ҳақи, шунингдек бошқа турдаги даромадларининг шакли, тизими ва ҳажмини белгиланган тартибда аниқлаш;

ижтимоий ривожлантириш бўйича Жамият ходимларининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ташишдан олинадиган даромадларни марказлаштирилган тартибда Жамиятнинг алоҳида асосий даромад ҳисоб рақамида жамлаш ва уни келгусида темир йўл орқали ташишда иштирок этган Жамият бўлинмалари ўртасида амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида тақсимлаш;

“Ўздавтемирйўлназорат” давлат инспекцияси таъминоти учун тасдиқланган сметага мувофиқ, темир йўл орқали ташишдан олинган даромадлардан мажбурий тўловларни амалга ошириш;

в) техника сиёсати соҳасида:

Жамият корхоналари билан бирга мутлақо янги техник воситалар, технологиялар ва материалларни яратиш, улардан фойдаланишга доир илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларининг устувор йўналишларини белгилаш, ушбу ишларни молиялаштириш;

Технологик жараёнларни мукамаллаштириш, ишлаб чиқаришнинг техник даражасини доимий равишда ошириб бориш;

Маҳсулотларни метрология, стандартлаштириш ва унификациялаштириш, сертификатлаш ва сифатни бошқариш, интеллектуал мулк ишларини ташкил этиш, илмий-техникавий маълумотлар ва илғор тажрибани оммалаштириш;

г) моддий-техника таъминоти соҳасида:

темир йўл транспортининг моддий-техника ва ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжини аниқлаш, темир йўл орқали ташиш жараёнининг ушбу ресурслар билан таъминланишини ташкил қилиш, улгуржи ва чакана савдо қилиш, шунингдек алоқадор вазирликлар, уюшмалар ва идоралар билан биргаликда давлат эҳтиёжлари учун мўлжалланган маҳсулотлар таркибида темир йўл транспорти учун етказиб бериладиган маҳсулотлар бўйича буюртмаларни шакллантириш, Жамият корхоналарини марказлаштирилган ҳолда тартибга солинадиган номенклатура бўйича маҳсулот билан таъминлаш;

табiiй офатлар, транспорт ҳалокатлари ва бошқа кутилмаган воқеалар оқибатларини бартараф этиш учун асосий моддий-техника турлари захираларини яратиш. Фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун мўлжалланган молиявий ва

моддий ресурсларнинг идоравий захиралари Жамият маблағлари ҳисобидан, шунингдек, молиявий ва моддий ресурсларнинг объектив захираси Жамият корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ўз маблағлари ҳисобидан ташкил этилади;

фавқулодда вазиятларни бартараф этиш учун мўлжалланган молиявий ва моддий ресурслар захираларининг номенклатураси ва ҳажмини белгилаш;

Жамият эҳтиёжлари учун моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар билан мустаҳкам алоқа ва ҳамкорликни ташкил этиш;

ресурслар ва энергия таъминоти ишларини ташкил этиш;

темир йўл транспортининг сафарбарлик тайёрлигини таъминлаш ва алоҳида даврда ишлаш учун моддий ресурсларни шакллантириш;

д) ташқи иқтисодий фаолият соҳасида:

бошқа давлат темир йўл маъмуриятлари, чет эл ташкилотлари ва компаниялари билан ўрнатилган тартибда юк ва йўловчилар ташиш бўйича келишувлар ёки шартномалар тузиш;

халқаро транспорт алоқалари ва логистикани ривожлантириш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг топшириғига асосан ва унинг номидан халқаро темир йўл транспорти ташкилотларида иштирок этиш;

хорижий ҳамкорлар билан муносабатларда, йўловчи ва ташқи юкларни ташиш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этувчи халқаро транспорт ҳуқуқи субъекти сифатида иштирок этади;

халқаро темир йўл маъмуриятларида ваколатли вакиллари ва/ёки ўз ваколатхоналарига эга бўлиши ёки тузиши мумкин;

чет эл давлатларининг тегишли бошқарув органлари билан темир йўл транспорти фаолиятига доир келишувлар тузиш;

Жамият ходимларининг чет элларга чиқиши учун белгиланган тартибда паспорт-виза ҳужжатларини тайёрлаш ва расмийлаштириш;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш, амалдаги қонунчиликда тақиқланмаган ташқи савдога оид кредит ва бошқа битимларни тузиш, белгиланган тартибда экспорт-импорт операцияларини амалга ошириш;

е) инвестиция сиёсати соҳасида:

Жамият инвестиция сиёсатининг, шу жумладан марказлаштирилган манбалар ҳисобидан бўлган инвестицияларнинг узоқ муддатли ва ўрта муддатли прогнозларини ишлаб чиқиш;

барча молиялаш манбалари ҳисобидан Жамиятнинг йиллик инвестиция дастурини шакллантириш;

барча молиялаш манбалари ҳисобидан амалга ошириладиган янги корхоналарни қуриш, фаолият кўрсатувчи корхоналарни ва темир йўл транспорти объектларини реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашни кенгайтириш, асосий воситаларни харид қилиш, улардан фойдаланиш муддатини узайтириш орқали мукамал-тиклаш, таъмирлаш ва модернизациялаш лойиҳаларини бошқариш;

ж) кадрлар, меҳнат ва ижтимоий масалалар соҳасида:

Жамият ходимларини танлаш ва жойлаштириш, касбий ўсиш шароитлари, масъулият, рағбатлантириш даражаси ва ижтимоий муҳофаза қилиш тизимларини белгилаш;

Жамиятнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб кадрларни ўқитиш тизимини ташкил этиш;

Жамиятнинг ижтимоий соҳасидаги ўқув юртлари ва муассасаларининг моддий базасини таъминлаш ва ривожлантириш;

мутахассисларни республика ва хорижий мамлакатлар ўқув муассасалари ва корхоналарида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни, шунингдек уларнинг иш ўрганишларини (стажировкаларини) таъминлаш;

самарали кадрлар сиёсатини олиб бориш;

Жамиятнинг поездлар ҳаракати ва йўловчиларга хизмат кўрсатиш билан бевосита боғлиқ алоҳида тоифадаги ходимлари учун, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, меҳнат шароитлари хусусиятларини, иш вақти ва дам олиш вақти тартибини белгилаш;

Жамиятда корпоратив этика қоидаларига риоя қилиш.

19. Жамият юқорида қайд этилганлардан ташқари яна қуйидаги функцияларни амалга оширади:

темир йўл транспортдан фойдаланиш қоидалари талабларининг бажарилишини назорат қилади, поездларнинг ҳаракат хавфсизлиги, темир йўл транспорти объектларининг бутлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўради, ҳаракат хавфсизлиги бузилиши сабабларини таҳлил қилади, ҳалокатлар, авариялар, экологик офатларнинг олдини олиш чора-тадбирларини кўради, юқори даражада хатарли ҳудудларда бўлиш ва ишларни амалга ошириш қоидаларини ишлаб чиқади;

йўловчилар ва юкларни суғурталаш ишларини амалга оширади;

давлат ҳудудида, тўғридан-тўғри ва қўшма йўналишларда ташишларни ривожлантириш, шунингдек бошқа транспорт турлари билан ҳамкорликда ишлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва ташкилотларга тегишли ҳаракатланувчи таркибнинг умумий фойдаланиш темир йўлларида кириши тартибини белгилайди;

саноат корхоналарида темир йўллар учун юбориладиган темир йўл техникаси ва бошқа маҳсулотларни белгиланган тартибда қабул қилишни (техник инспекциясини) ташкил қилади;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ, темир йўл яқинидаги ажратилган йўлаклар ҳудудида ерлардан фойдаланиш, у ерда бино ва иншоотлар қуриш тартибини белгилайди;

тегишли қурилиш меъёрлари ва қоидаларини мувофиқлаштиради;

умумий фойдаланишдаги темир йўл ва қурилмаларни темир йўл билан кесишадиган узатиш қувурлари, алоқа, электр энергияси узатиш линиялари ва бошқа коммуникациялар, шохобча йўллар билан туташтириш, кесишиш шартларини, унга кириш йўлларини, шунингдек умумфойдаланишдаги темир йўллар ва иншоотлардан, хавфли ва махсус моддаларни ишлаб чиқариш, сақлаш,



юклаш, транспортда ташиш ва тушириш билан боғлиқ иншоотлардан темир йўл ва қурилмаларгача бўлган энг кам масофа шартларини белгилайди;

темир йўлни техникавий тасарруф этиш қоидалари бўйича билимларни имтиҳондан ўтказиш ва текшириш тартибини, темир йўл транспортдан фойдаланиш қоидаларини, юк ортиш ва юкни мустаҳкамлашнинг техникавий шартларини, Жамият ходимларининг бошқа меъёрий ҳужжатларини, умумий фойдаланишдаги йўлларда локомотивни синаш тартиби ва бошқариш ҳуқуқига гувоҳнома бериш тартибини, Жамият корхоналарининг локомотив машинистларига даража бериш тартибини белгилайди;

темир йўл транспортдаги электр, иссиқлик ва иссиқлик-энергетика мосламаларида, шунингдек сиғимли идишларда босим остида ишловчиларнинг фойдаланиш қоидаларига тўғри риоя этишларини ташкил қилади;

поездларнинг ҳаракати билан боғлиқ бўлган, шунингдек зарарли, ноқулай меҳнат шароити таъсирига учрайдиган ходимларни, Жамият тасарруфидаги таълим муассалари ўқувчиларини, талабаларини ва абитуриентларни тиббий огоҳлантириш ва кўриқдан ўтказиш тартибини белгилайди;

темир йўл транспортининг сафарбарлик тайёргарлиги ва фуқаролик мудофааси бўйича ишларни ташкиллаштиради, аҳолини ва ҳудудларни фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилади, сафарбарлик тайёргарлигининг ягона методикасини ишлаб чиқишни амалга оширади, манфаатдор ташкилотлар билан муҳим пайтда ташишларни ташкил этиш ва бажариш масалалари юзасидан ҳамкорликни, сафарбарлик давлат захираси ва махсус захирада техник воситалар ва моддий бойликларнинг сақланишини таъминлайди;

темир йўл транспорти воситаларидан фалокатларсиз фойдаланиш, хавфли ва махсус юкларни ташиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини ташкил қилади ва амалга оширади;

давлат сирларини ва хизматга доир маълумотларни ошкор этишдан муҳофаза қилиш бўйича зарур чора-тадбирлар кўрилишини таъминлайди;

темир йўл транспорти соҳасида маълумот бериш хизматларини амалга ошириш;

конунчиликка мувофиқ бошқа вазифаларни амалга ошириш.

### **III бўлим. Жамиятнинг устав фонди (капитали). Уни кўпайтириш ёки камайитириш тартиби. Жамиятнинг акциялари, облигациялари ва бошқа қимматли қоғозлари**

20. Давлат корхонаси негизида ташкил этилган “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти қайта ташкил этиш пайтигача давлат корхонасига тегишли бўлган мавжуд мулк, пул маблағлари ва бошқа молиявий ресурслар, шунингдек қарзларнинг тўлиқ ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

21. Жамият устав фондининг (капиталининг) дастлабки миқдори Жамият мулкани баҳолаш асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 3 мартдаги 108-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки кўмитасининг 2001 йил 20 августдаги 239 к-ПО буйруғи асосида белгиланган.

22. Жамият устав фонди (капитали)нинг миқдори 4 158 755 605 520 сўм бўлиб, 9 671 524 664 та оддий акцияларга бўлинган.

23. Оддий акциянинг номинал қиймати 430 сўми ташкил этади.

24. Жамият акциялари давлат мулки ҳисобланади ва сотилиши ёки бошқача тарзда ўзгага берилиши, гаровга қўйилиши мумкин эмас, шунинг учун улар иккиламчи қимматли қоғозлар чиқариш учун таъминлашга хизмат қилиши мумкин эмас.

25. Жамият устав фонди (капитали) қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

26. Жамият устав фондини (капиталини) кўпайтириш (акцияларни жойлаштириш нархини белгилаш, акциялар эмиссияси рисоласи ва уларни чиқариш) ва бу тўғрида мазкур уставга тегишли ўзгартириш киритиш ҳақидаги қарорни Жамият акциядори қабул қилади. Ушбу масала бўйича Жамият Кенгаши (кузатув кенгаши) йиғилиши ўтказилмайди.

27. Агар қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, қўшимча акциялар ёпиқ обуна усулида фақат Давлатга жойлаштирилиши мумкин.

28. Қўшимча равишда чиқарилган акциялар уни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган, лекин давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатда жойлаштирилиши лозим.

29. Жамият устав фондини (капиталини) ошириш учун оддий, эълон қилинган номинал қиймати 430 сўм бўлган 11 403 327 085 дона - умумий қиймати 4 903 430 646 550 сўмга қўшимча акцияларни жойлаштириш ҳуқуқига эга.

30. Эълон қилинган акцияларнинг умумий сони доирасида чиқаришда ва жойлаштиришда акцияларнинг сотиб олинган қисми Жамият устав фондига (капиталига) ўтказилади.

31. Жамиятнинг устав фонди (капитали) акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

32. Жамият устав фондини (капиталини) камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қарор Жамият Кенгашининг (кузатув кенгашининг) йиғилишини ўтказмасдан, Жамият акциядори томонидан қабул қилинади.

33. Жамиятда устав фондининг (капиталининг) 25 фоизи миқдорида захира фонди ташкил этилади.

34. Жамиятнинг захира фонди ҳар йили соф фойдадан йиллик мажбурий тўловлар ажратиш йўли билан устав фондининг (капиталнинг) 25 фоизига етмагунгача шакллантириб борилади.

35. Захира фондига ажратмаларнинг йиллик ҳажми Жамият даромадининг 5 фоизидан кам бўлмаслиги лозим.

36. Жамиятнинг захира фондидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилади.

37. Жамият Кенгашининг қарорига биноан бошқа фондлар ҳам ташкил этилиши мумкин.

#### **IV бўлим. Жамиятнинг ҳуқуқлари**

38. Жамият Уставда белгиланган вазифа ва функцияларини бажариш мақсадида куйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти ва аҳолиси эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда давлат буюртмалари ва бевосита шартномалар (контрактлар) асосида сотиладиган маҳсулот, ишлар ва хизматлар ҳажмини мустақил равишда белгилаш;

ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эгалик қилиш ва уларни амалга ошириш, зиммасига мажбуриятлар олиш, судда даъвогар ва жавобгар бўлиш;

белгиланган тартибда бўлинмалар, марказлар, фирмалар, корхоналар, филиаллар, ваколатхоналар, қўшма корхоналар ташкил этиш, турли республикадаги ва халқаро ташкилотлар ва бирлашмаларга аъзо бўлиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда акция ва бошқа қимматли қоғозларини чиқариш ва жойлаштириш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида акциядорлик жамиятларининг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини сотиб олиш;

Жамиятнинг ишчиларига ва бошқа шахсларга, жумладан заём ажратган ҳолда уй-жойлар қуриш, сотиб олиш ва уларни белгиланган тартибда жисмоний ва юридик шахсларга сотиш.

#### **V бўлим. Жамият фаолиятини бошқариш**

39. Жамиятнинг акциядори, кузатув кенгаши ва ижро этувчи органи Жамиятнинг бошқарув органларидир.

40. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 58-моддасига мувофиқ, Жамиятда акциядорнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар Жамиятнинг ягона акциядори томонидан яқка тартибда қабул қилинади, ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилади. Жамиятда акциядорнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди.

41. Жамиятнинг Кенгаши - кузатув кенгаши (кейинги ўринларда Кенгаш деб аталади) функцияларини бажаради. Кенгаш 6 кишидан иборат.

42. Жамият Бошқаруви Жамиятнинг ижро этувчи органи ҳисобланади, у 8 кишидан иборат.

43. Жамият Бошқаруви раиси қонунчиликда белгиланган тартибда танлов асосида тайинланади. Жамият Бошқаруви раиси лавозимига чет эллик менеджер тайинланиши мумкин.

44. Жамият Бошқаруви аъзолари қонунчиликда белгиланган тартибда тайинланади.

45. Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари, корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ўртасидаги муносабатлар қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **Жамият акциядорининг ваколатлари**

46. Жамият акциядорининг ваколатларига қуйидагилар киради:

Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, жумладан Жамият устав фондини (устав капиталини) ошириш, камайтириш ва эълон қилинган акциялар сонини камайтириш, шунингдек Жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;

Жамиятни қайта ташкил этиш;

Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш, ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

Жамиятнинг устав фондини (устав капиталини), кўпайтириш ёки камайтириш;

Жамиятнинг ўз акцияларини олиш;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш;

Жамиятнинг йиллик ҳисоботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

белгиланган тартибда тайинланганидан сўнг, бошқарув раиси ва аъзолари билан меҳнат шартномасини Жамият номидан тузиш;

Жамият бошқарувига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, жумладан Жамиятнинг молиявий ҳисоботини Халқаро молиявий стандартларга мувофиқ ташқи аудит қилиш бўйича аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;

Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан, жумладан жамиятни бошқаришда қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этиш бўйича хулосаларини эшитиш;

Жамият номидан Жамият ички аудит хизмати ходимлари белгиланган тартибда тайинланганидан сўнг меҳнат шартномасини тузиш;

Жамият бошқарув ва назорат органлари билдиргилари (ҳисоботлари) шакл ва таркибига талабларни белгилаш;

Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 34-моддасига мувофиқ

акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини белгилаш;

Жамият акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолатларда Жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

дивидендларни миқдори, тўлаш шакли ва тартиби бўйича қарор қабул қилиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш;

### **Жамият Кенгаши**

48. Жамият Кенгаши ваколатига қуйидагилар киради:

Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;

мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси Жамият Кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;

ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

Жамият ижро этувчи органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан белгиланган тартибда эркин фойдаланиш ва Жамият Кенгашига юкланган вазифаларни бажариш учун ушбу ҳужжатларни ижро этувчи органдан олиш. Жамият Кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

Зарурият туғилганда Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш учун танлов асосида мустақил ташкилотни жалб этиш;

Жамият бизнес-режасида белгиланган мақсадларга эришишни мониторинг қилиш;

Корпоратив бошқарув кодекси бажарилишини назорат қилиш;

Жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоларига тўланадиган ҳақ ва компенсацияларнинг миқдорлари юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг акциядорига дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;

Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

Жамиятнинг шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолатларда битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш.

49. Жамият Кенгаши фаолиятининг тартиби Жамият Кенгаши тўғрисидаги Низомда белгиланади. Жамият уставига тафтиш комиссияси, Кенгаш ва Бошқарув аъзолари сони ўзгариши билан боғлиқ ўзгартиришлар Кенгаш йиғилишини ўтказмасдан акциядор томонидан киритилади.

50. Жамият Кенгашининг ваколати доирасига киритилган масалалар Жамият Бошқарувига ҳал этиш учун берилиши мумкин эмас.

51. Жамият Кенгаши қарорлари, қонунчиликда ва мазкур Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади.

52. Жамият Кенгашининг йиғилишлари ҳар чоракда камида бир марта ўтказилади.

53. Жамият Кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) Жамият Кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.

54. Жамият Кенгаши раиси Кенгаш томонидан қарор қабул қилиш пайтида, агар овозлар сони тенг бўлиб қолса, ҳал қилувчи овозга эга бўлади.

### **Жамият Бошқаруви**

55. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик Жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи - Бошқарув томонидан амалга оширилади.

56. Жамият Бошқаруви ваколатига қуйидагилар киради:

темир йўл транспорти тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш;

темир йўл транспортини иқтисодий, илмий-техникавий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари лойиҳасини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг бизнес-режасини ишлаб чиқиш;

Жамиятнинг ҳаракатланувчи таркиби, машиналар, механизмлар ва бошқа махсус техникага, ҳамда уларни сотиб олиш учун маблағларга эҳтиёжини, шунингдек марказлаштирилган ва бошқа манбалар ҳисобидан, ҳамда инвестиция дастурлари ҳисобидан молиялаштириладиган темир йўл транспорти инфратузилма объектлари қурилишлари бўйича ва қурилиш-монтаж ишларига йўналтириладиган капитал маблағлар ҳажмини аниқлаш;

молиявий-иқтисодий ишларни ташкил этиш ва Жамият ташкилий тузилмасига кирадиган бўлинма, корхона, ташкилот ва муассасаларни молиялаш;

давлатнинг ички темир йўл тармоғида ва аралаш ташишларда юк, йўловчи, почта, багаж ва юк багаж ташиш, шунингдек темир йўл хизматлари кўрсатилганлиги учун қўшимча йиғимлар тарифларини ишлаб чиқиш. Ушбу тарифларни тасдиқлаш ва йиғимлар олиш тартибини ишлаб чиқиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 23 октябрдаги 232-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг темир йўл Уставига ва “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ амалга оширилади;

капитал маблағлар, илмий тадқиқотлар ва умумий аҳамиятга эга бўлган бошқа ишларни молиялаштириш учун марказлаштирилган фондлар ва захираларни шакллантириш;

темир йўл маъмуриятлари, юк жўнатувчилар, юк олувчилар ва экспедиторлик ташкилотларининг тегишли мурожаатларига асосан, ҳамда иқтисодий мақсадга мувофиқлигидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб темир йўл транспортида юкларни ташишга имтиёзли тарифлар тақдим этиш;

белгиланган тартибда Жамият ташкилий тузилмасига кирувчи корхоналар, ташкилотлар, муассаса ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш, қайта тузиш ва тугатиш бўйича таклифлар тайёрлаш, уларнинг ваколатларини белгилаш;

Жамият мулкани, шунингдек таркибий акциядорлик жамиятлари фаолиятини амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқариш;

Жамият акциядор ёки улушдор сифатида иштирок этувчи юридик шахслар устав фондига қўшимча ҳисса қўшиш, ушбу юридик шахслар устав фондидаги улушини ошириш ёки камайтириш, уларнинг таркибидан чиқиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қиймати Жамият соф активлари қийматининг 15 фоизигача бўлган битимларни тузиш, бундай масаланинг ечими Жамият Бошқарувининг бир овоздан қабул қилган қарори асосида ҳал этилади. Бундай йирик ҳажмдаги битим тузиш юзасидан Жамият Бошқарувида яқдил қарорга эришилмаса, ушбу битимни тузиш Жамият Бошқаруви қарорига кўра кўриб чиқиб ҳал этиш учун Жамият Кенгашига ҳавола этилиши мумкин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Вазирлар Маҳкамасининг қарори ёки топшириғига мувофиқ, Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироқи билан боғлиқ битимларни тузиш;

Жамиятнинг формали кийим ва ажратиб турадиган нишонларни олиш ва кийиш ҳуқуқига эга бўлган ходимлари лавозимлари рўйхатини тасдиқлаш;

Жамият Уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Жамият корхоналари ва ташкилотларининг молиявий-хўжалик фаолиятига оид йиллик ҳисоботларини ва балансларини тасдиқлаш;

Жамият ташкилий тузилмасига кирувчи ташкилот, муассаса, корхоналарни сотиш шартлари ва тартибини кўриб чиқиш юзасидан Жамият Кенгашига таклифлар тайёрлаш;

Жамият Кенгашига, кейинчалик таклифлар киритиш учун, темир йўл транспорти масалалари бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштириш масалаларини кўриб чиқиш;

Жамият асосий фаолияти бўйича корхона ва таркибий бўлинмалари, ижтимоий соҳа муассасаларининг смета харажатларини тасдиқлаш;

Жамиятнинг локал ҳужжатлари тасдиқлаш;

Жамият ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шакллари, тизимлари ва миқдорларини тасдиқлаш, шунингдек ходимларни хўжалик фаолияти яқунларига кўра рағбатлантириш тўғрисидаги таклифларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.

57. Жамият Бошқаруви белгиланган тартибда Жамиятнинг ижро этувчи аппарати ташкилий тузилмаси бўйича таклифни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади, бунда бошқарув ходимларининг белгиланган сони Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

58. Жамият Бошқаруви раиси раҳбарлик қиладиган ижро этувчи аппарат эксплуатация, ишлаб чиқариш, молиявий ва бошқа турдаги Жамият акциядори, Кенгаши ваколатига кирмайдиган фаолиятига оид масалалар бўйича қарорлар қабул қилади.

### **Жамият Бошқаруви раиси**

59. Жамият Бошқаруви раиси:

Жамият фаолиятига раҳбарлик қилади, Жамиятга юкланган вазифаларнинг бажарилиши, ҳамда мазкур Уставга риоя қилиниши юзасидан шахсан жавобгар ҳисобланади;

Бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Жамият фаолиятига оид масалаларни ҳал этишда уларнинг ваколатларини белгилайди;

Жамият акциядори, Кенгаши ва Бошқаруви қарорларининг ижро этилиши юзасидан назоратни таъминлайди;

зарур ҳолларда Жамиятнинг ижро этувчи аппарати таркибига, минтақавий темир йўл тармоқлари бошқарув аппаратининг ва Жамиятнинг ташкилий тузилмасига кирувчи бошқа корхона, ташкилот ва муассасалари таркибига бошқарув ходимларининг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритади;

ижро этувчи аппаратининг бошқармалари, марказлари ва бўлимлари тўғрисидаги Низомларни тасдиқлайди;

Жамият маблағларини белгиланган тартибда, ишончномасиз тасарруф этади, банкларда ҳисоб ва бошқа рақамлар очади, Жамиятнинг ҳисоб-китоб ҳужжатлари ва ҳисоботларини имзолайди, Ўзбекистон Республикаси давлат органлари ва бошқа юридик ва жисмоний шахслари билан, ҳамда ундан ташқаридаги муносабатларда Жамият номидан иш юритади, Жамият номидан келишувлар, шартномалар, контрактлар ва бошқа битимлар тузади, бундай битимларни амалга ошириш учун ишончномалар беради;

Жамият акциядори, Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматиغا кўриб чиқиш учун Жамият ваколати доирасига кирадиган масалалар юзасидан қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган тартибда киритади;

Жамият таркибига кирувчи бошқармалар, марказлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таркибий бўлинмалар Уставлари ва Низомларини тасдиқлайди;

Жамиятнинг барча мансабдор шахслари ва ходимлари бажариши шарт бўлган буйруқлар, фармойишлар, кўрсатмалар чиқаради, шунингдек ўзининг ваколати доирасига кирувчи масалаларга оид йўриқномаларни ва бошқа ҳужжатларни тасдиқлайди;



Жамият таркибига кирувчи корхоналар раҳбарлари чиқарган амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, шунингдек Устав ва Жамият бошқаруви қарорларига зид бўлган буйруқларни ва бошқа ҳужжатларни бекор қилади;

Жамият ва унинг корхоналари ишлаб-чиқариш, молиявий истиқбол режаларининг асосий кўламларини, Жамиятнинг ижро этувчи девони, ҳамда Жамият таркибига кирувчи корхоналар, муассасалар, таркибий бўлинмалар штатлари жадвалларини тасдиқлайди;

Жамиятни ривожланиши учун зарур миқдордаги фойда олиш чораларини кўради;

Бошқарув мажбурияти ва Жамиятнинг бизнес-хавфини суғурталашни таъминлайди;

Жамият таркибига кирувчи бошқармалар, марказлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини белгиланган тартибда тайинлайди;

Жамиятнинг ижро этувчи девони, корхона ва ташкилотлар ходимлари лавозимлари номенклатурасини тасдиқлайди ва унга мувофиқ уларни ишга қабул қилиш, иш жойини ўзгартириш, бошқа ишга ўтказиш, ҳамда меҳнат шартномаларини бекор қилишни амалга оширади;

Жамиятнинг бошқа таркибий бўлинмалари ва ишлаб чиқариш бирликларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини таъминлайди;

Жамият ходимларига нисбатан амалдаги қонунчиликда ва Жамият ходимларининг интизоми ҳақидаги низомда назарда тутилган интизомий жазо чораларини кўллайди;

ходимларни мукофотлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлайди, лавозим бўйича иш ҳақларини, уларга устамаларни, турли кўшимча тўловларни белгилайди, Жамият ходимларини рағбатлантиради, шунингдек, Жамият ходимларини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида компенсация тўловларини жорий этади;

Жамиятнинг илғор ходимларини белгиланган тартибда кўкрак нишонлари, фахрий ёрликлар билан мукофотлайди ва рағбатлантиришнинг бошқа турларини кўллайди;

Жамият ишчиларини ижтимоий кафолат, меҳнат муҳофазаси ва саноат ҳафвсизлигига риоя қилинишини таъминлайди;

Жамият таркибига кирувчи корхоналарнинг молиявий-хўжалик фаолияти ҳолати учун масъул ҳисобланади, ҳамда улардаги молиявий барқарорликни таъминлашга йўналтирилган зарур чораларни кўради;

Жамият таркибига кирувчи корхоналарининг молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш тўғрисида қарор қабул қилади, уларнинг натижаларини кўриб чиқади ва улар юзасидан, ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича қарорлар қабул қилади ва зарур чоралар кўради;

Жамиятнинг ташкилий тузилмасига кирувчи корхона, ташкилот ва муассасаларнинг бошқарув органларида ўз вакилларининг Жамият номидан овоз беришида уларнинг позициясини белгилаб беради;

Жамият томонидан амалдаги қонунчилик, локал ва меъёрий ҳужжатларга риоя этилишини таъминлайди.

## **VI бўлим. Жамиятнинг мулки, воситалари ва сармоялари**

60. Жамиятнинг мулки эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф этиш объектлари бўла оладиган моддий объектлар, шу жумладан пул маблағлари, қимматли қоғозлар, улушлар (пайлар, хиссалар) ҳамда номоддий объектларидан иборат бўлади;

61. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинadиган алоҳида мулкига эга бўлади. Жамият ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эгалик қилиши ва уларни амалга ошириши, мажбуриятлар бўйича жавоб бериши, судда даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин.

62. Жамият мулки қуйидаги манбалар ҳисобидан шаклланади:

махсулотларни сотишдан, иш ва хизмат кўрсатишдан, шунингдек хўжалик фаолиятининг бошқа турларидан олинadиган даромадлар;

сотиб олинган қимматбаҳо қоғозлардан тушган даромадлар;

устав капиталида улушга эга бўлган нодавлат мулкчилик шаклидаги субъектлар фойдасидан, шунингдек дивидендлар тарзида олинadиган даромадлар;

марказлашган ва марказлашмаган ажратмалар ва маблағлар;

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан тақиқланмаган бошқа манбалар.

63. Жамиятнинг даромади барча турдаги ташишлар, бажариладиган иш ва хизматлар, шунингдек Жамиятнинг таркибий бўлинма ва корхоналарининг махсулотини сотишдан тушадиган тушумлардан марказлашган тартибда шаклланади.

64. Жамиятнинг таркибий бўлинмалари, корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари ўртасида текинга (беғараз) бериладиган (олинadиган) мол-мулкнинг қиймати даромад (зарар) деб ҳисобланмайди ва қабул қилиб олувчи (берувчи) томонидан қўшимча қиймат солиғи ва даромад солиғи бўйича солиққа тортилмайди.

65. Жамият корхоналари ўртасидаги ички кўчиришлар (ўтказишлар), ташиш жараёнини таъминлаш билан боғлиқ иш бажариш, хизмат кўрсатишлар махсулот сотиш (иш, хизмат)дан олинadиган даромад (айланма) сифатида қаралмайди.

66. Жамият ўз тасарруфидаги бўлган мулк ва маблағлардан барча корхоналарнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланади. Белгиланган тартибда қуриши, қайта тиклаши, сотиб олиши, кўчма ва кўчмас мулкни харид қилиши, олиши, ижарага олиши ва бериши (ижарага берилаётган мулкнинг ижара ҳақи юз фоиз миқдорида ушбу мулкни балансида сақловчи корхонанинг ҳисоб рақамига тушади), ҳамда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа фаолиятларни амалга ошириши мумкин.

67. Янги ва мавжуд темир йўл линиялари, темир йўл транспорти объектларини қуриш, ҳамда реконструкция қилиш, фаолият юритувчи корхоналарни кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш, ҳаракатланувчи таркибни сотиб олиш, хизмат муддатини узайтирувчи

мукаммал қайта тиклаш, таъмирлаш Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастури ва Жамиятнинг ўз маблағлари, ҳамда бошқа молиялаш манбалари ҳисобидан мўлжалланган манзилли қурилишлар дастурига мувофиқ амалга оширилади.

68. Жамият фаолияти натижалари бўйича олинган фойда (даромад), солиқлар ва бюджетга тўланадиган бошқа тўловлар амалга оширилгандан сўнг, Жамият акциядори қарорига мувофиқ тақсимланади.

69. Жамият ва унинг таркибий бўлинмалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзлари рўйхатга олинган манзиллар бўйича пул маблағларини сақлаш ва барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ҳамда касса операцияларини амалга ошириш мақсадида исталган банкда ҳисоб-китоб рақамлари ва бошқа рақамлар очиш;

марказлаштирилган капитал маблағларини молиялаштириш, ижтимоий соҳа ва ўқув муассасаларига эга бўлиш, корхоналарга молиявий ёрдам кўрсатиш ва шунга ўхшаш бошқа мақсадлар учун Жамият Марказий Жамғармасига соф фойда ҳисобидан (солиқлар тўлангандан сўнг) пул маблағларини жамғариш ва бериш;

Жамият бўлинмаларида мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш ва алоҳида эҳтиёжлар учун (II гуруҳ эҳтиёт материалларини сақлаш) маблағлар захирасини яратиш.

## **VII бўлим. Ҳисобга олиш, ҳисобот бериш ва назорат**

70. Жамият ва унинг бўлинмалари бухгалтерия ҳисобининг Миллий андозаларига мувофиқ тезкор ва бухгалтерия ҳисобини юритади, шунингдек, амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда бухгалтерия ва статистика ҳисоботларини тузади.

71. Жамият корхоналари белгиланган тартибда Жамиятга, солиқ ва бошқа давлат идораларига амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги зарур маълумотларни тақдим этади.

72. Жамият таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти юзасидан назорат ички ва ташқи аудит шаклида амалга оширилади.

73. Акциядор томонидан сайланадиган тафтиш комиссияси Жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилади ва молиявий ҳисоботларда акс этган маълумотларни тўғрилиги бўйича хулоса, шунингдек молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширишда, бухгалтерлик ҳисобини олиб бориш тартиби ва молиявий ҳисоботни тақдим қилишда қонунчиликни бузиш ҳолатлари тўғрисидаги маълумотларни Жамият акциядорига тақдим этади.

74. Жамият ва унинг таркибига кирувчи корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятининг ички аудити, улар томонидан мулк ва маблағлардан мақсадли фойдаланишини текшириш, шунингдек Жамият ижро органининг ишини назорат қилиш ва баҳо бериш Жамиятнинг ички аудит хизмати томонидан амалга оширилади.

75. Жамият ва унинг корхоналари молиявий-хўжалик фаолиятининг ташқи аудити, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, шартнома асосида аудиторлик ташкилотлар томонидан амалга оширилади.

76. Жамият бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, унинг ҳолати ва ҳаққонийлиги, йиллик ҳисобот ва бошқа молиявий ҳисоботларнинг тегишли идораларга ўз вақтида тақдим этилиши, шунингдек Жамиятнинг фаолияти ҳақида кредиторларга ва оммавий ахборот воситаларига тақдим этилган маълумотлар учун амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ равишда Жамиятнинг ижро этувчи органи масъулдир.

77. Кўрсатилган ҳужжатларни эълон қилишдан олдин Жамият, йиллик молиявий ҳисоботларни текшириш ва тасдиқлаш учун Жамият ёки унинг корхоналари билан мулкӣ манфаатлар билан боғлиқ бўлмаган аудиторни жалб этиши шарт.

78. Жамият:

Белгиланган тартибда рўйхатга олинган Жамият Уставини, ҳамда Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни, Жамиятнинг тузилиши ва қайта ташкил этилишига доир ҳужжатларни, Жамиятнинг давлат рўйхатига олиниши ҳақидаги гувоҳномани;

Жамиятнинг ўз балансида бўлган мулкка эгаллик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларни;

Жамият таркибига кирувчи корхоналар ва бўлинмалар, Жамият филиаллари ва ваколатхоналари ҳақидаги низомларни;

Жамият акциядори, Кенгаши ва Бошқаруви мажлисларининг баённомаларини, шунингдек Жамият Бошқарувининг буйруқ ва фармойишлари;

давлатнинг тегишли органларига тақдим этиладиган Жамиятнинг молиявий ҳисоботлари;

хайъатлар, аудиторлик ташкилотлари, давлат назорат идораларининг хулосалари ва ҳисоботларини;

Жамият Уставида, Жамият бошқаруви органлари қарорларида, ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатларни ўзида сақлаши шарт.

### **VIII бўлим. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш**

79. Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.